

**“Ўзсаноатэкспорт” акциядорлик жамияти
мустақил баҳоловчи ва экспертиза қилувчи ташкилотлар ўртасида
танлов ўтказилиши ҳақида эълон қилади!**

Жамият Кузатув кенгашининг 2022 йил 30 декабрдаги 2021/16-сонли мажлис қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзсаноатэкспорт” Акциядорлик жамиятининг Тошкент вилояти Зангиота туманида жойлашган "Green-Agro" МЧЖ устав фондида - 1 210,0 млн.сўм бўлган 100 фоизлик улушини бозор қийматини аниқлаш ва баҳолаш ҳисоботини экспертизадан ўтказиш бўйича баҳолаш ва экспертиза қилувчи ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун мустақил баҳоловчи ва экспертиза қилувчи ташкилотлар ўз тижорат таклифлари билан бирга Жамиятга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилиши лозим:

- Баҳолаш ва экспертиза қилиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия нусхаси;
- Ташкилот устави (*барча ўзгартириш ва қўшимчалар билан*) нусхаси;
- Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;
- Баҳоловчи ва экспертиза қилувчи ташкилотнинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурталовчининг мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи суғурта полиси нусхаси;
- Баҳолаш ҳамда экспертиза ишининг бажарилиш муддати ва хизмат ҳақи миқдори кўрсатилган тижорат таклифи;
- Лицензияловчи орган томонидан берилган баҳолаш ташкилоти раҳбари ва баҳоловчиларнинг малака сертификати нусхаси.

Тақдим этиладиган ҳужжатлар нусхалари тикилган ҳолда ташкилотнинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

Баҳоловчи ташкилотлар учун танловнинг чекланган қиймати - 15 000 000 сўм.

Экспертиза қилувчи корхоналар учун танловнинг чекланган қиймати - 10 000 000 сўм.

Тижорат таклифларини 2022 йил 28 январь соат 14:00 га қадар қуйидаги манзилга юборишингиз сўралади:

Ўзбекистон Республикаси, Индекс: 100170, Тошкент ш., Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик кўчаси 107 уй, “Тошкент” РФБ биноси, 3 қават, 330 хона.

Маълумот учун телефонлар: (+99890) 352-97-30, (+99890) 054-54-59.